

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05.30.2018.G.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МЕЛИЕВ БАХТИЁР АБДУХОМИДОВИЧ

**ЎРТА ЗАРАФШОН ЛАНДШАФТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА
ЗАМОНАВИЙ (АЭРОКОСМИК, МАТЕМАТИК,
ГЕОИНФОРМАЦИОН) МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

11.00.01 – Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мелиев Бахтиёр Абдухomidович

Ўрта Зарафшон ландшафтларини тадқиқ этишда замонавий (аэрокосмик, математик, геоинформацион) методлардан фойдаланиш..... 3

Мелиев Бахтиёр Абдухomidович

Использование современных (аэрокосмических, математических, геоинформационных) методов в исследование ландшафтов Среднего Зарафшана..... 20

Meliev Bakhtiyor Abdukhomidovich

The use of modern (aerospace, mathematical, geoinformation) methods in the study of landscapes of the Middle Zarafshan..... 33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 37

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05.30.2018.G.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МЕЛИЕВ БАХТИЁР АБДУХОМИДОВИЧ

**ЎРТА ЗАРАФШОН ЛАНДШАФТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА
ЗАМОНАВИЙ (АЭРОКОСМИК, МАТЕМАТИК,
ГЕОИНФОРМАЦИОН) МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

11.00.01 – Табiiй география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В 2018.4.PhD/Gr69 - рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (samdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим тармоғига (www.ziyonet.uz.) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Эшқобул Юлдашович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рафиқов Ваҳоб Асамович
география фанлари доктори

Тошов Худойназар Рамазонович
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05.30.2018.G.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (0366) 239-16-36, факс: (0366) 239-19-38; E-mail: ik-geografiya2018@mail.ru. Самарқанд давлат университети, География ва экология факультети)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (0366) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Абдулқосимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Қ.С.Ярашев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
география фанлари бўйича PhD

А.Рахматуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д.(DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсониятни табиий ресурслар билан таъминлаш мақсадида ландшафтлардан интенсив фойдаланилаётганлиги сабабли табиий муҳитда техноген бузилиш, саҳроланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашиши, тупроқ эрозияси, деградацияси, дефляция, чўллашиш ва бошқа салбий геозкологик ҳамда табиий географик жараёнлар кун сайин кучайиб бормоқда. Бу муаммоларга қарши курашишга халқаро ташкилотлар катта эътибор бермоқда. Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурида “куруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хиллик йўқолишининг олдини олиш” вазифалар белгилаб берилган¹. Мазкур вазифалар айниқса арид иқлимли ҳудудларда суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши ҳудудни тизимли-структуравий таҳлили асосидаги маълумотлар негизда ландшафт-мелиоратив тадбирларни мажмуали олиб боришни тақозо этади.

Дунёда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ландшафт-мелиоратив тадбирларни олиб бориш, ландшафтларни табақаланишини ва уларнинг структурасини замонавий усулларда, жумладан аэрокосмик, масофавий зондлаш, геоинформацион системалардан фойдаланиб ҳудудларни тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Ландшафт тадқиқотларини замонавий методларга таянган ҳолда олиб бориш, уларнинг мавжуд имкониятларини таҳлил қилиш, баҳолаш, долзарб муаммоларини аниқлаш ва уларни илмий асосда ҳал этиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади. Ҳудудларнинг уч ўлчамли моделлари, географик воқеа-ҳодисаларни математик моделлаштириш, алоҳида компонентларни ўрганишда математик статистикани тадбиқ этиш, ўз навбатида ландшафт синфлари ва уларнинг морфологик бирликларида содир бўлаётган мураккаб динамик жараёнларни, уларнинг дифференциацияланиш ва трансформацияланишини ўрганишда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширишга устувор аҳамият берилмоқда.

Республикамизда ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятидан илмий асосда фойдаланиш, уларни баҳолашда замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг кадастрини олиб бориш, шўрланиш ва чўллашишга қарши курашиш, одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ:

<http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш” юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Ўрта Зарафшон ҳавзасидаги табиий ва антропоген ландшафтларнинг структураси ва ландшафтларнинг табақаланишига таъсир этувчи географик омилларнинг ролини аниқлаш, уларни карталаштиришга доир мақсадли тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси талабларига мос равишда фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси»; VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Зарафшон ҳавзаси бўйича комплекс табиий географик тадқиқотлар С.П. Сучков, Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когай, Н.А. Гвоздецкий, А.С. Саидов, П. Баратов, Л.А. Алибеков, А.А.Абдулқосимов, Н.И. Сабитова, А. Рахматуллаев, А.Н.Ҳожиматов, Ю.Ҳ.Абдурахмонова, О.Ш. Рўзикулова ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Ландшафтларни замонавий методларда тадқиқ этишда хорижий олимлардан Р.А.Burrough, G.Eichorn, C.Le Bas, M.Jamagne, И.Ю.Каторгин ва А.А.Кашинлар шуғулланишган.

Лекин Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафтларини тадқиқ этишда ҳозирги кунгача замонавий методларни, жумладан геоинформацион тизимлар, аэрокосмик методлар, табиий жараёнларни математик моделлаштиришда эҳтимоллик тенгламаларини тадбиқ этишга кам эътибор берилган. Ушбу ишнинг асосий мақсади юқоридаги камчиликларни тўлдиришдан иборат.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасидаги ИТД-7-10 “Самарқанд вилоятининг ўлкашунослик атласини тузиш” (2012-2014 йй.) амалий тадқиқот лойиҳаси, ИОТ-2013-5-08 “Самарқанд вилоятининг экологик, атроф-муҳит муҳофазаси, ичимлик сув сифати, маиший хўжалик чиқиндилари карталарини тузиш” (2013-2014 йй.) инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ландшафт комплексларини аниқлашда қўлланиладиган замонавий методларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафтларидаги динамик ўзгаришларини таҳлил қилиш;

ландшафтлар структураси ва динамикасини аэрокосмик методлардан фойдаланган ҳолда ўрганиш;

ландшафтларда содир бўлаётган ўзгаришларни математик моделлаштириш ва уни ГИС технологияларида ифодалаш;

ландшафт структурасини ва унинг ҳудудий жойлалашувини космик суратлардан фойдаланган ҳолда вегетацион индекслар ва дифференциал алгоритмларда аниқлаш ҳамда ГИС дастурларида карталарини яратиш;

эрозион жараёнлар ва оқимнинг геоморфологик боғлиқлигига асосланган ҳолда уларнинг ландшафт структурасига таъсири нуктаи назаридан баҳолаш ва прогнозлаш картасини тузиш;

Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафтларини геоинформацион МБ шакллантириш ва карталаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўрта Зарафшон ландшафт комплекслари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўрта Зарафшоннинг ландшафт комплексларининг структуравий ва функционал хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда замонавий методлардан фойдаланиб карталаштириш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда дала-тадқиқот, лаборатория, қиёслаш, картографик, аэрокосмик, математик, статистик таҳлил, имитацион ва систематик, геоинформацион тизимлар ёрдамида карталаштириш каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ландшафтлардаги динамик жараёнларни мониторинг қилишнинг аэрокосмик усули кўп зонали космик суратлар спектрининг энг оптимал диапазонларини аниқлаш орқали такомиллаштирилган;

Самарқанд вилояти табиатини муҳофаза қилиш картасининг асоси бўлган 1:300 000 масштабли Ўрта Зарафшоннинг ландшафт картаси космик суратлар асосида ГИСдан фойдаланиб яратилган;

Оқтоғнинг жанубий ёнбағридаги текисликларда рельеф шакллари хосил бўлиш зоналарини ажратишда ENVI 4.5 дастурини қўллаб эрозион текисликларни математик модели яратилган ва космик суратларни дешифровка қилиш алгоритми такомиллаштирилган;

Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафтларининг визуаллаштирилган уч ўлчамли (1:200 000 масштабли) моделини яратишда илк бор SRTM (Shuttle Radar Topographic Mission) алгоритми қўлланилиб, экспозицион хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафтларида рўй бераётган динамик ўзгаришлар таҳлил қилинган ва уларни ГИС, картографик ҳамда аэрокосмик методларда аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

космик суратлар ва рельефнинг рақамли модели асосида ландшафт типларида содир бўлаётган ўзгаришларга эрозион жараёнлар ҳамда гидрографик тармоқларининг таъсири модели ва карталаштириш методикаси ишлаб чиқилган;

космик суратларлар асосида тоғ олди текислик ландшафтларининг математик-картографик моделини тузиш алгоритми такомиллаштирилган;

кўп зонали космик суратлар орқали ландшафтлардаги динамик ўзгаришлар, вегетацион индекслардан ландшафт динамикаси индикатори сифатида фойдаланиш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация иши натижаларининг ишончилиги Ўзбекистон Республикаси “Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси”нинг тупроқ бонитировка маълумотлари ва уларнинг карталари, Гидрометеорология хизмати маркази маълумотларидан динамик жараёнларни ўрганишда аэрокосмик ва математик усулларнинг амалий мос келганлиги, олинган натижаларнинг услубий-назарий тушунчаларга ва илгари олиб борилган бошқа тадқиқотларнинг хулосаларига мослиги, назарий ишланмалар, хулоса, таклифлар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тоғоралиғи ботиқлари, текислик ландшафтларининг динамик алоқадорлиги ва таъсир этиш механизмини замонавий методларда аниқлаш ҳамда улардаги жараёнларни математик моделлаштириш алгоритмининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафт комплексларида динамик жараёнларни вужудга келтирувчи омилларни ажратиш, худуддаги агроландшафтларни баҳолашда рельеф ва иқлим омиллари таъсирини аниқлаш, тузилган ландшафт карталаридан фойдаланиб ер кадастрини ўтказиш, ландшафтларни карталаштиришда геоинформацион ва математик методлардан фойдаланиш имконининг такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ландшафтларни тадқиқ этишда замонавий методлардан фойдаланиш бўйича олинган натижалар асосида:

ландшафт комплексларида рўй бераётган динамик ўзгаришларни таҳлил қилиш методларидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида ландшафтлар структурасидаги ўзгаришларни аниқлашда фойдаланилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 8 февралдаги 02-02-1051-сон маълумотномаси). Натижада ландшафтларда

содир бўлаётган парагенетик жараёнларни аниқлаш ва геосистемалардан фойдаланиш режасини такомиллаштириш имконини берган;

картографик моделлаштириш ва карталарни ГИС технологиялари асосида яратишга доир илмий ишланмалари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятида фойдаланилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 8 февралдаги 02-02-1051-сон маълумотномаси). Натижада, вилоят ўлкашунослик атласи таркибидаги “Табиатни муҳофаза қилиш карта” сани яратиш имконини берган;

ландшафтларидаги эрозион жараёнларнинг математик модели ва унинг асосида космик суратларни дешифровка қилиш алгоритмидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида вегетацион индексларни аниқлашда фойдаланилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 8 февралдаги 02-02-1051-сон маълумотномаси). Натижада космик суратларни дешифровка қилиш алгоритмини такомиллаштириш имконини берган;

Ўрта Зарафшон ҳавзасининг 3D моделидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида ландшафтларнинг визуал ҳолатини аниқлашда фойдаланилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 8 февралдаги 02-02-1051-сон маълумотномаси). Натижада суғорма деҳқончилик ҳудудларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Макур ишнинг тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий мақола эълон қилинган. Шундан, 2 таси нуфузли хорижий илмий журналларда, 4 таси ОАК рўйхатидаги республика илмий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ландшафтларни тадқиқ этиш ва карталаштиришнинг илмий-методологик асослари» деб номланган биринчи бобида ландшафт тадқиқотларини олиб бориш ҳамда уларни карталаштиришнинг илмий-назарий, методологик асослари очиб берилган.

Ландшафт комплексларини карталаштириш ландшафт тўғрисидаги таълимотнинг вужудга келиши ва илмий ландшафтшуносликнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Ландшафт комплексларини тадқиқ этишда ва карталаштиришда турли картографик методлардан фойдаланилади. Булардан асосийлари: аналитик ва синтетик методлардир. Биринчи метод шундан иборатки, бунда ландшафт комплексининг хусусиятлари бир вақтнинг ўзида унинг алоҳида компонентлари – релефи, тупроғи, ўсимлиги ва бошқаларини битта картада тасвирлаш йўли билан очиб берилди. Синтетик методда эса ландшафт комплекси ва унинг типологик ўхшашлиги тасвирланади.

Ҳар қандай таксономик бирликдаги ландшафтларни карталаштиришда қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

ландшафт карталаштириш объектини танлаш ва уни қайси масштабда амалга оширишни аниқлаш;


картада тасвирланадиган географик комплексларни амалий жиҳатдан дала тадқиқот ва аэрокосмик методлари билан аниқлаш, ажратиш ва уларнинг чегараларини ўтказиш;

ландшафт картада тасвирланадиган географик комплексларни морфологик жиҳатдан ўхшашлик даражасига қараб синфлаштириш ва таснифлаштириш схемасини ҳар томонлама мукамал ишлаб чиқиш;

географик комплексларни мазмунини ва моҳиятини ёрқин ифода этувчи карта легендасини тузиш керак.

Ландшафтларни тадқиқ этиш ва карталаштириш методикасига асосан Ўрта Зарафшон ҳавзаси ҳудудларида турли таксономик бирликдаги ландшафтлар ажратилди ва уларнинг 1:300000 масштабли картаси тузилди. Карталарни тузишда ва геокомплексларни тасвирлашда турли хил картографик методлардан, жумладан, ландшафтларни сифатли фон ва штрихлар ёрдамида тасвирлаш методларидан ҳам фойдаланган. Ўрта Зарафшон ҳавзасида 3 ландшафт синфи (учта кичик синф ҳам) доирасида 20 та ландшафт ва асосан тоғ олди текислик ва воҳа ландшафтлар синфида 28 та жой типлари ажратилди ҳамда картага туширилди (1-расм).

Мазкур бобда ландшафт комплексларни тадқиқ қилишда космик маълумотларнинг аҳамияти катталиги очиб берилган. Космик суратлар ландшафт структурасини, фация ва урочишаларни ҳамда уларнинг хусусиятлари бир хил эмаслигини аниқлаб беради. Космик суратларнинг бу хусусияти ландшафтни структурали-морфологик жиҳатдан анализ қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Космик суратларда ландшафтнинг морфологияси билан бирга динамик ҳолати ҳам дешифровка қилинади.



1-расм. Ўрта Зарафшоннинг ландшафт картаси

Диссертациянинг «Ўрта Зарафшон ҳавзасининг ландшафт тузилиши ва комплекс тавсиф» деб номланган иккинчи бобида ҳудуд табиий шароитининг ландшафт шаклланишидаги роли ва ландшафтларни

таснифлаш масаласи ёритилган ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

1-жадвал

Сунъий йўлдошлардан олинган суратларни ландшафт тадқиқотларида қўллаш имкониятлари

Сунъий йўлдошлар	Суратга олиш диапазони (мкм)	Ландшафт тадқиқотлари учун ишлатиладиган суратлар диапазони	Зарафшон ҳавзаси ландшафт компонентлари ифодаси ва дешифровка натижаси
Ресурс ДК (Россия)	0,50-0,60	0,54 диапазонидаги суратлар ёрдамида эол, шўрхок ландшафтларини дешифровка қилиш осон	Қуйи Зарафшондаги чўл қум тупроқли эол жараёнлари таъсирида ўзгарган ландшафтлар, дельта текислик шўрхоклар ландшафти, сарисазанлар ўсувчи шўрхоклардан иборат ландшафтлар ва б. Бу ерда берилган ландшафт компонентлари космик суратларда дешифровка қилинди.
	0,70-0,80	0,79 дан узун диапазонлар ёрдамида геологик структуралар геоморфологик хусусиятларига кўра ажратилади	Тоғ ландшафтлари сифатида турли хил ўсимлик формациялари, турли тупроқлар ва ҳар хил тоғ жинслари устида ташкил топган кўплаб ландшафтлар ажратилади, худуднинг геоморфологияси дешифровка қилинган.
RapidEye (Германия)	0,52-0,59	0,54 диапазонидаги суратлар ёрдамида эол, шўрхок ландшафтларини дешифровка қилиш осон	Суғориладиган ўтлоқ-аллювиал тупроқли ландшафтлардаги шўр босган ерлар ҳамда эол жараёнлари таъсирида ўзгарган ландшафтлар бундай суратларда яхши кўринади.
	0,63-0,68	0,64-0,65 диапазонларида ўсимлик ва тупроқ дешифровка қилинади	Қамиш ва тўқай ўсимликлари ўсувчи ўтлоқ-ботқоқ тупроқли қайир, эфемерлар ўсувчи бўз тупроқли ва б. ландшафтлардаги тупроқ типлари ва ўсимликлар турлари ажратилади.
GeoEye-1 (АҚШ)	0,52-0,60	Бу диапазонларда гидрографик тўр, антропоген ландшафтлар жуда аниқ кўринади	Суғориладиган бўз тупроқлар тарқалган кўхна қайир, ҳамда суғориладиган ўтлоқ-аллювиал тупроқли янги қайир маданий ландшафтлари, шунингдек гидрографияси дешифровка қилинди.
	0,62-0,69	0,65 диапазони дарё қайирларидаги аллювиал ётқизиклар устидаги ландшафтлар компонентларини ўқишда қулай	Суғориладиган бўз тупроқлар тарқалган кўхна қайир, ҳамда суғориладиган ўтлоқ-аллювиал тупроқли янги қайир маданий ландшафтлари, уларнинг компонентлари қараб чиқилди. Шунингдек ирригацион ётқизикларни ҳам ажратса бўлади.

Манба: www.sovzond.ru сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ҳозирги кунга келиб Ўрта Зарафшон ҳавзаси табиий ва антропоген ландшафтлари юқорида айтиб ўтилган барча геологик даврлардагига нисбатан юзлаб марта кучли ўзгартирилди. Ҳавзанинг барча суғорма деҳқончилик қилинадиган жойларида воҳа ландшафтлари шаклланди. Ҳозирда воҳа ландшафтларининг геоэкологик ҳолати ҳавзанинг ҳамма қисмларида бир хил эмас, Зарафшон ҳавзаси бўйлаб шарқдан ғарбга борган сари геоэкологик ҳолат ёмонлашиб боради. Бунга сабаб, Юқори ва Ўрта Зарафшондаги барча чиқиндилар Қуйи Зарафшонда аккумуляция қилинади. Асосий морфогенетик рельеф типлари текисликлардан, ясси платолардан,


йирик тепаликлардан, пастқам ботиклардан, дарё қайрлари ва қайир усти терассалардан, сой ҳавзалари ва ёйилмаларидан, тоғолди пролювиал текисликларидан, конуссимон ёйилмалардан, шўрхок ва тақирлардан иборат. Қишлоқ хўжалигини, жумладан суғорма деҳқончилиқни ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш учун Ўрта Зарафшон ҳавзасининг қайир, қайир усти терассалари, тоғолди пролювиал текисликлар, конуссимон ёйилмалар жуда ҳам қулай.

Ўрта Зарафшон ҳавзасининг иқлимий омиллари ва жараёнларини ташкил этувчи элементлар ўзининг фаолияти билан ландшафт комплексларни вужудга келишида ва ривожланишида, эрозия натижасида ҳосил бўлган жинсларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, уларни тоғ ва тоғолди текисликларида ётқизиш каби фаолияти билан фаол иштирок этади.

Ўрта Зарафшон ландшафтларни таснифлашда биз қуйидаги таксономик бирликлар системасини қабул қилдик: ландшафт синфи, жой типи, мураккаб урочиша, оддий урочиша ва фация. Таксономик бирликлардан ташқари баландлик минтақаланиш ҳам мавжуд бўлиб, улар тоғли минтақаларда ажратилади. Тадқиқотимиз давомида ҳудудда қуйидаги ландшафт синфлари ажратилди: тоғ ландшафтлари, адир-тоғолди пролювиал текислик ландшафтлари, воҳа ландшафтлари. Таснифланган ландшафтларидан хўжалиқда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Геоинформацион тизимлар ҳамда улар асосида ландшафтларини тадқиқ этиш масалалари**» деб номланган учинчи бобида ландшафтлар компонентларининг математик-картографик моделлари ишлаб чиқилган ва ундан фойдаланиб космик суратлар дешифровка қилинган. Рельефнинг уч ўлчамли моделлари яратилган ва рельеф хусусиятлари билан вегетацион индекслар орасида боғланишлар аниқланган ҳамда статистик таҳлил қилинган. Ландшафт тадқиқотларини олиб бориш босқичларининг методикаси ишлаб чиқилган. Ушбу методика 4 асосий босқичлардан иборатдир (2-расм).

Дастлабки босқичда карталар, космик суратлар ГИС асосига киритилади. Бунинг учун ландшафт тадқиқотларини олиб боришда тўпланган маълумотлар, табиий ва олдинги ландшафт карталари, космик суратлар ва статистик маълумотлар компьютер хотирасига жойлаштирилади. Сўнгги босқичда карталарнинг легендаси тузилади, улар таҳрир қилинади, эксперт тизимлар орқали улар текшириб кўрилиб, нашр қилинади.



2-расм. ГИС да ландшафт тадқиқотларини олиб боришнинг технологик жараёни

Таянч участканинг геоморфологик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда математик моделдан келиб чиқиб, турли тартибдаги ташкил этувчиларнинг ўққа нисбатан проекциялари тақсимотини топамиз (x ўқиға қия йўналган мўлжал бўйича).

Шундай экан проекциялар тақсимоти экспоненциаллик қонунига жавоб берарди, унда ташкил этувчиларнинг умумий проекцияси бўлақларнинг ихтиёрий қийматларини узунлик тақсимоти бўйича олади ва характерли функцияга эга бўлади:

$$\varphi_i(t) = \sum_{k=1}^{\infty} [1 - (p_1 + \dots + p_{i-1})] (p_1 + \dots + p_{i-1})^{k-1} \left(\frac{l_1}{l_1 - it} \right)^k \quad (1)$$

бу ерда l_1 – бўлақ проекциясининг ўртача узунлиги, ундан,


$$\varphi_i(t) = \frac{l_1}{l_1 - it} \quad (2)$$

бундан l_i – таркибий қисмнинг ўртача узунлиги, албатта таркибий қисмлар узунлиги ҳам экспоненциаллик қонунига бўйсунди. Таркибий қисмларнинг ўртача узунлиги Вальднинг ўхшашлик назариясидан топилади:

$$l_i = l_1 2^{i-1} \quad (3)$$

Натижада икки маҳражли геометрик прогрессияни шакллантиради. Модел ёнбағир асосига параллел қилиб олинган ихтиёрий ажратилган бўлақни кесиб ўтувчи эрозия шакллари ҳақидаги масалани аналитик ечиш имконини беради (3-расм).


Юқоридаги алгоритм космик суратларни дешифровка қилишда математик амаллар кетма-кетлигини ифодалаган ҳолда ENVI 4.5 дастурий пакетида уларни қабул қилиш, чегаралаш, диапазонларини белгилаш орқали вегетацион индексларини ҳисоблаш (2013-2017 йй.), эрозия рельеф шакллари ҳосил бўлиш зоналарини ажратиш орқали эрозия жараёнларни таҳлил қилиш имконини беради.




3-расм. Тасодиғий трансекталар билан эрозион рельеф шакллари кесишишлар сонининг тақсимот қонуниятига схемаси.

←→ трансекта бўлақлари, S -бўлақ узунлиги, ----- трансектанинг ёнбағирларда жойлашиши, — келиб чиқиши эрозион характердаги табиий комплекслар (ландшафт) нинг схематик тасвири.

Таянч участка бўйича юқорида таҳлил қилинган алгоритмик тил (математик модел) бўйича қуйида муаллиф томонидан тадқиқотлар ўтказилган. Дастлаб таянч участканинг эрозион рельеф шакллари ҳосил бўлиш прогноз картаси тузилди (4-расм).



4-расм. Таянч участканинг эрозион рельеф шакллари ҳосил бўлиш зонаси прогностик картаси (М 1:200 000)



5-расм. Таянч участкани ArcGIS дастурида тайёрланган 3D модели (М 1:200 000)


Модел асосида рельефни ифодаловчи slope ва aspect алгоритмларидан фойдаланган ҳолда қиялик ва экспозицияни аниқлаш, улар асосида ландшафтларнинг ўсимлик қопламида бўлаётган ўзгаришлар билан корреляцион боғланиш матрицалари, регрессион статистикалари олиб борилди ҳамда ландшафт компонентлари бўлган ўсимлик ва тупроқ қопламанинг ўзгариш динамикаси таҳлил қилинди.

2-жадвал

2017 йилда ландшафтлар ўзгаришини вегетацион индекс бўйича корреляцион боғланиш матрицаси

	2017 ndvi	Баландлик	Қиялик	Экспозиция
2017 ndvi	1	-0,0257	-0,121	0,3490
Баландлик	-0,0257	1	0,781	-0,1345
Қиялик	-0,1345	0,781	1	-0,0257
Экспозиция	0,3490	-0,073	-0,121	1

Уларни карталарини яратиш учун вегетацион индекс қийматлари, уч ўлчамли модел, slope ва aspect лари маълумотлар базасига ўтказилди, уларга кўшимча тарзда таянч участканинг барча яратилган қатламлари бирлаштирилган ҳолда унга Create Random Points орқали тасодифий нуқталар оптимал ҳолга келтирилиб жойлаштирилди. Шу асосда таянч участкасининг ҳисобланган вегетацион индекслари slope, aspect ва баландлик билан қанчалик боғланганлиги ҳисоблаб чиқилди. Бу таянч участкада тупроқ эрозияси қандай ривожланаётганини кўриш имконини беради.



6-расм. Ўртача вегетацион индекс қийматлар билан рельеф параметрларининг боғланиш графиклари

Бу ерда аниқ кўриниб турибдики, ўртача NDVI (вегетацион индекс) қийматлар билан баландликнинг тўғри ва яққол боғланиши мавжуд (ба-расм). Яъни, баландлик ортган сари NDVI қийматлар ҳам ортади. Бу шуни ифодалайдики, вегетацион индекс баландлик ортганда ортади, камайганда

камаяди. Кейинги ҳолатдан (6б-расм) шуни билиш мумкинки, ғарбий ёнбағирларнинг барьерлиги сабабли намлик коэффициенти юқори бўлса, шимолий ёнбағирларда радиация камлиги сабабли NDVI катта қийматларга эга. Навбатдаги графикдан шуни кўриш мумкинки (6в-расм), вегетацион индекс билан қиялик тескари боғланишга эга. Яъни, қиялик ортиши билан индекс пасаяди ва аксинча. Бунинг сабаби катта қияликли юзаларда ювилиш эрозияси кучли ҳамда туб жинслар очилиб қолади. Тупроқ ҳосил бўлиш жараёни жадал бўлсада, улар пастқам жойларда тўпланиб боради. Натижада ўсимлик ўсиши учун ноқулай шароит юзага келади.

ХУЛОСА

Бажарилган тадқиқот асосида қуйидаги **хулосалар** чиқарилди:

1. Ландшафт комплексларини ва уларда содир бўлаётган воқеа ҳамда ҳодисаларни карталаштиришда ва тасвирлашда махсус картографик усуллардан - чизиқли белгилар, тенг чизиқлар, сифатли ранг, ареаллар каби методларни қўллаш қулай. Бунда ландшафт комплексларда таксономик бирликларнинг энг қуйи поғонасигача тушилганда, ёки ўрта ва майда масштабли ландшафт карталарини тузишда штрихлаш усулидан фойланиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилди.

2. Ҳозирги замонавий аэрокосмик методларда фототонлар, яъни турли диапазонда ландшафт компонентлари турлича кўриниши, яъни суратлар олинаётганда тўлқин узунлиги асосий омил эканлигини эътиборга олиш зарур. Шунингдек, дешифровка вақтида суратларнинг қайси муддатларда олинганлиги ва тўлқин узунлигининг қайси диапазонига мос келишини билиш муҳим эканлиги қайд этилди ҳамда шунга асосан космик суратларни олишнинг энг оптимал даври май ойи эканлиги аниқланди.

3. Ўрта Зарафшоннинг рельефи анча мураккаб бўлиб, ландшафтларнинг вужудга келишида асосий омил вазифасини ўтайди. Бундан ташқари иқлим, тупроқ, ер усти ва ер ости сувлари ландшафтларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутиши ҳамда улар ландшафтларни таснифлашда асос сифатида олиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

4. Ўрта Зарафшон ҳавзасида ландшафтларни вужудга келиши ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, қуйидаги ландшафт синфлари ажратилди: 1) тоғ ландшафтлари; 2) тоғ олди адир-пролювиал текислик ландшафтлари; 3) воҳа ландшафтлари. Шунингдек, тоғ ландшафтлари синфи доирасида 3 та кичик синфлар ажратилди. Ландшафтларни тавсифланганда иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш нуқтаи-назаридан баҳолаш мақсадга мувофиқ, чунки, ҳар бир тавсифланаётган ландшафт иқтисодиётнинг у ёки бу тармоғида фойдаланилади. Шу сабабдан ландшафтнинг эгаллаган майдони, хўжаликдаги аҳамиятини ҳам эътиборга олиб, уларни таснифлашда ушбу хусусиятлар инобатга олинди. Бунинг натижасида ландшафтлардан рационал фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

5. Дешифровка натижасида ўсимликларнинг NDVI (вегетацион индекси) ни таҳлил қилиш, эрозион, суффозион, карст каби жараёнларни

моделлаштиришда, ландшафтни ички структурасини ўрганишда ва бошқа табиий жараёнлар динамикасини ўрганишда фойдаланиш имкони яратилди.

6. ГИС методларни қўллаган ҳолда ландшафт карталари тузилганда векторли табиий географик (топографик) карта асос қилиб олинади. Ландшафт, тўртламчи давр ётқизиқлари, рельеф, ўсимлик ва тупроқ қопламанинг векторли карталари, зондлаш материаллари ГИС да таҳлил қилинди ҳамда улар асосида карталар ва кесмалар яратиш имконини берди.

7. Landsat космик станциясидан олинган суратлар MapInfo ва ArcMap дастурларида қайта ишланиб, Ўрта Зарафшон ҳавзаси ҳамда таянч участканинг 3D (уч ўлчамли) модели яратилди. Ушбу модел асосида ёнбағирлар қиялиги ва экспозицион хусусиятлари аниқланди.

8. Landsat космик станциясида олинган таянч участканинг космик суратларининг ҳар бирини алоҳида NDVI (вегетация индекси) лари автоматик ҳисобланди ва картага туширилди. Бу йиллараро ўзгариш динамикасини аниқлашнинг дифференциал картасини яратиш имконини берди.

9. Таянч участканинг slope (қиялик) ва aspect (экспозиция) хусусиятларини акс эттирувчи карталари яратилди. Шундан сўнг барча яратилган қатламлар бирлаштирилган ҳолда унга ArcGIS дастуридаги Create Random Points буйруқ сатри орқали тасодифий нуқталар оптимал ҳолда жойлаштирилди. Шу асосда таянч участкасининг ҳисобланган NDVI лари slope, aspect ва баландлик билан қанчалик боғланганлиги аниқлашга замин яратилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05.30.2018.G.02.07
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МЕЛИЕВ БАХТИЁР АБДУХОМИДОВИЧ

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ (АЭРОКОСМИЧЕСКИХ,
МАТЕМАТИЧЕСКИХ, ГЕОИНФОРМАЦИОННЫХ) МЕТОДОВ В
ИССЛЕДОВАНИИ ЛАНДШАФТОВ СРЕДНЕГО ЗАРАФШАНА**

11.00.01 – Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2019

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В 2018.4.PhD/Gr69.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу (www.ziyounet.uz) [информационно-образовательного](#) портала “ZiyoNet”.

Научный руководитель:	Сафаров Эшкобул Юлдашович доктор технических наук
Официальные оппоненты:	Рафиков Вахоб Асомович доктор географических наук
	Тошов Худойназар Рамазонович кандидат географических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится “_____” _____ 2019 г. в _____ часов на заседании ученого совета DSc.05.30.2018.F.02.07 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-16-36, факс: (0366) 239-19-38; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru. Самаркандский государственный университет, факультет Географии и экологии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре в Самаркандском государственном университете (зарегистрирована под №____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (0366) 233-60-87

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года (протокол реестра №____ от «_____» _____ 2019 года).

А.Абдулкасимов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.н., профессор

К.С.Ярашев

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, PhD по географическим наукам

А.Рахматуллаев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.н. (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В связи с интенсивным использованием ландшафтов, в целях обеспечения человечества природными ресурсами, в мире усиливается техногенное разрушение окружающей среды, опустынивание, ухудшение мелиоративного состояния орошаемых земель, почвенная эрозия, деградация и другие отрицательные геоэкологические и физико-географические процессы. Борьбе с этими проблемами уделяют особое внимание ряд крупных международных организаций. В частности, в программе стабильного развития ООН до 2030 года поставлены такие задачи, как «защита и восстановление экосистем суши, их оптимальное использование, рациональное управление лесами, борьба с опустыниванием, предотвращение деградации земель и биологического разнообразия»¹. Эти задачи предполагают комплексное проведение ландшафтно-мелиоративных мероприятий на основе системно-структурного анализа аридных зон для развития орошаемого земледелия. Также, проведение ландшафтных исследований современными методами, анализ и оценка их возможностей, выявление актуальных проблем и разработка путей их решения на научной основе его представляет собой важное направление в данной сфере.

Сегодня в мире особое внимание уделяется проведению ландшафтно-мелиоративных мероприятий, изучению структуры и дифференциации ландшафтов современными методами, в частности, аэрокосмическим методам, методами дистанционного зондирования и геоинформационных систем. Также, при создании трехмерных моделей территорий, математическому моделированию географических событий, применению математической статистики в изучении отдельных компонентов, исследованию сложных динамических процессов в ландшафтных классах и морфологических единицах, их дифференциации и антропогенной трансформации приоритетное значение учета особенностей каждого региона.

В Республике в сфере экологии и охраны окружающей среды проводится ряд мероприятий по научно обоснованному использованию природно-ресурсного потенциала регионов, использованию достижений современной науки и техники при их оценке, ведению их кадастра, проводится борьба с засолением и опустыниванием, а также обеспечение жизни людей в экологически безопасной среде. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.² отмечены важнейшие задачи по “дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель, развитию сетей мелиоративных и ирригационных объектов”. При этом важную значимость обрели целевые исследования

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ:

<http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

относительно выявления роли географических факторов, воздействующих на структуру и дифференциацию природных и антропогенных ландшафтов бассейна Среднего Зарафшана.

Данное диссертационное исследование в определенной степени будет служить осуществлению задач, отмеченных в Постановлении Президента Республики Узбекистан “О государственной программе развития ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель в 2018-2019 гг.” от 27 ноября 2017 года, Указе “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.” от 7 февраля 2017 года, Постановлении Кабинета Министров №571 “О мерах по дальнейшему усовершенствованию деятельности Самаркандского государственного университета” от 24 июня 2018 года, а также в Обращении Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года и других нормативно-правовых актов, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды»; VIII. «Науки о земле».

